



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғонни Туркия Республикаси Президентини лавозимига қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклаб, фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиётгани ва мустақамлашиб бораётгани чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва кўп қиррали ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Мулоқот сўнггида Президентлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗА

БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» резолуцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти

Жорий йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг йлпи мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» резолуцияси қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Резолуциянинг қабул қилиниши Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади. Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказилишини маълум қилиб, унинг яқунлари бўйича Марказий Осиё давлатларининг ҳафсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолуциясини қабул қилишни таклиф этди.

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлакати ушбу резолуция ҳаммуаллифлари бўлди. Улар орасида Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Хиндистон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор ва бошқа мамлакатлар бор. Ҳужжати ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашувларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор давлатлари, жумладан, Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари фаол ва конструктив тарзда иштирок этди.

Резолуцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Марказий Осиё давлатларининг ҳафсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида қайд этилади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган сазй-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолуция бундай маслаҳатлашувлар платформасидан минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк саммити ўтказилгани эътироф этилади.

► Давоми 2-бетда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош Ассамблеяси
18 июнь 2018 йил
Етмиш иккинчи сессия
Кун тартибининг 65-банди
Тинчликни барпо этиш ва тинчликни асраш
Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон,
Туркменистон ва Ўзбекистон: резолуция лойиҳаси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ

Бош Ассамблея,
Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг мақсад ва
принципларини илгари суриш
бўйича минтақавий ҳамкор-
ликни йўлга қўйишга доир чо-
ралар қабул қилиниши рағ-
батлантириладиган Низоми
қоидаларига амал қилиб,
Марказий Осиё мамлакат-
ларининг минтақда тинчлик,
барқарорлик ва изчил тарақ-
қиётни таъминлаш, шунинг-
дек, минтақавий ва халқаро
ҳамкорликни рағбатлантириш
борасидаги муҳим родини тан
олган ҳолда,

Марказий Осиё мамлакат-
лари дуч келаётган замонавий
таҳдид ва хавфларни эъти-
борга олиб,

Марказий Осиё давлатла-
рининг ҳафсизлик ва ривож-
ланиш соҳаларидаги йирик
минтақавий ва халқаро та-
шаббусларини, шу жумладан:
а) Ядро қуролидан ва бошқа
оммавий қирғин қуролла-
ридан холи бўлган тинчлик-
ка эришишга йўналтирилган
самарали чора сифатида Мар-
казий Осиёда ядро қуроли-
дан холи зонанинг ташкил
қилиниши,

б) Бош Ассамблея томони-
дан ядро қуролидан холи дунё
барпо этиш мақсадида эри-
шишнинг асосий воситалари-
дан бири сифатида 29 август
— Халқаро ядровий синовлар-
га қарши ҳаракатлар куни,
деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг Марказий
Осиёда Глобал аксилтеррор

стратегиясини ва Ашхобод
декларациясини амалга оши-
риш бўйича биринчи минта-
қавий қўшма ҳаракатлар ре-
жасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва
радиоактив чикиндилар қол-
диқларидан келиб чиқадиган
таваккалчиликларни — «уран
қолдиқлари омборхоналари-
ни бартараф этиш,

д) 2018-2028 йиллар дав-
рини «Сув барқарор тараққи-
ёт учун» халқаро ўн йиллиги
деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва
энергетик ресурсларнинг
ишончли ва барқарор транзи-
тини, жумладан, мавжуд мин-
тақавий энергетика лойиҳа-
ларини самарали амалга оши-
рган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит
коридорларини қўллаб-қув-
ватлашнинг барқарор, рента-
белли инфратузилмасини ри-
вожлантириш, жумладан, ян-
ги автомобил ва темир

йўллар, шунингдек, авиа йўна-
лишлар очиш орқали транс-
порт ва транзит масалалари
бўйича Марказий Осиёни
камраб олувчи битимларни
амалга ошириш баробарида
транспортнинг барча турлари
бўйича алоқаларни мустақам-
лаш,

з) экотизимлар, биохилма-
хиллик ҳамда флора ва фау-
нанинг энг муҳим турлари
химояси таъминлишини
қайд этган,

Марказий Осиё мамлакат-
ларининг 2030 йилгача бўлган
даврга мўлжалланган барқарор



ривожланиш соҳасидаги кун
тартибини амалга оширишга
йўналтирилган хатти-ҳаракат-
ларини ва унда кўзда тутил-
ган миллий даражада барқа-
рор ривожланиш соҳасидаги
мақсадларни маъқуллаган.

2017 йил 10-11 ноябрь ку-
лари Ўзбекистоннинг Самар-
қанд шаҳрида бўлиб ўтган
ҳамда Марказий Осиё мам-
лакатлари икки томонлама ва
минтақавий ҳамкорликни мус-
тақамлаш тарафдори экани-
ни тасдиқлаган «Марказий
Осиё: ягона тарих ва умумий
келажак, барқарор ривожла-
ниш ва тараққиёт йўлидаги
ҳамкорлик» мавзусидаги халқ-
аро конференция натижа-
ларига таянган ҳолда,

Марказий Осиё давлатла-
ри раҳбарларининг маслаҳат-
лашув учрашувларини мунта-

► Давоми 2-бетда.

Резолуциянинг қабул қилиниши
Президентимиз
Шавкат Мирзиёев томонидан
2017 йил сентябрь ойида
Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ
Бош Ассамблеясининг
72-сессиясида илгари сурилган
ташаббуснинг амалий ижроси
ҳисобланади.

THE DIPLOMAT

Read The Diplomat. Know the Asia-Pacific

Ўзбекистон ислохотлар
натижасида жаҳоннинг
энг кўп эътироф
этилаётган давлатларидан
бири бўлди

The Diplomat журнали 2001 йилдан Япо-
нияда чоп этилади. Осиё — Тинч океани ми-
нтақасидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий во-
қеаларни ёритиб боради. Мазкур журналда
юртимизда ўтказилаётган ислохотлар, хусусан,
диний ва иқтисодий соҳаларда юз бераётган
ўзгаришлар ҳақида мақола чоп этилди. Уни
бироз қисқартирилган ҳолда эътиборингизга
хавола этаймиз.

«Ўзбекистон 2017 йилда жаҳоннинг энг кўп
тилга олинган давлатларидан бири бўлди. Бу
фақат мамлакатнинг туризм имкониятлари кен-
лиги билан эмас, балки иқтисодий ва давлат
миқёсида ўтказилган ислохотларнинг натижа-
сида юз берди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти
бўлганининг дастлабки босқичидаёқ мамлакат-
даги диний вазиятни тўғри йўналишга бурди.
У Ўзбекистоннинг қадим-қадимлардан ислом
дини бешиги бўлганини таъкидлаш асосида
жамоатчилик вакилларига мурожаат қилиб,
ёшлар турли ёт гоғлар тасйирига тушиб қоли-
шининг олдини олиш, уларга соф исломни
тушунтириш кераклигини таъкидлади.

Айнан Президентнинг ташаббуси билан
мамлакат пойтахтида Ислам цивилизация мар-
казига асос солинди. Шунингдек, Самарқанд,
Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида
имом-хатибларни қайта ўқитиш марказлари
ташкил этилди...

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра,
Ўзбекистон 2018 йилда 5-6 фоизлик иқтисод-
ий ўсишни кўзламоқда. Бу йўлда мамлакат
қишлоқ ҳўжалиги ва хусусий сектор бизнеси-
ни ривожлантиришни модернизация қилишга
катта эътибор қаратмоқда. Марказий Осиёдаги
энг йирик инвесторлардан бири бўлган Евро-
па тикланиш ва тараққиёт банки Тошкентда
қайтди ва кичик ҳамда ўрта бизнесни ривож-
лантириш, савдо, молия ва агробизнесни
қўллаб-қувватлаш йўналишида келишувларга
имзо чекди».

Темур АбЗАМ тайёрлади.

Эҳтиёжманд кишилар бандлигини таъминлаш — долзарб масала

— Ўзбекистон кўзи ожизлар жамия-
тига 40 мингдан зиёд кўриш бўйича
ногиронлиги бўлган шахслар бирлашти-
рилган. Жамият таркибида 80 дан
ортиқ тадбиркорлик тузилмалари,
жумладан, масъулияти чекланган жа-
миятлар кўринишидаги ўқув ишлаб
чиқариш корхоналари ҳамда шўъба
корхоналари фаолият олиб боради.

Шу рақамларнинг ўзи аҳолининг
жисмоний имконияти чекланган қатлами
бандлигини таъминлашни рағбатланти-
ришининг ташкилий чора-тадбирлари
тўғрисидаги Президент қарорининг
нақадар аҳамиятли эканини аңглатади.
Мазкур ҳужжатда белгилаб қўйилган
тартиб-қоидалар ва имтиёзларнинг ама-
лиётда қўлланилиши жуда муҳим масала
ҳисобланади. Қарор жамиятимиз
тизимдаги корхоналар фаолиятига
қандай ижобий таъсир кўрсатади?

3

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

сифати бўйича жавобгарлик
кучайтирилмоқда



Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракциясининг навбатдаги йи-
гилишида қатор қонун лойиҳа-
лари муҳокама қилинди.

Депутатлар «Ўзбекистон Рес-
публикаси Маъмурий жавобгар-
лик тўғрисидаги кодекснинг 178-
моддасига ўзгартириш киритиш
тўғрисида»ги қонун лойиҳасига
алоҳида эътибор қаратди. Чунки
бу ўзгартириш аҳоли истеъмоли
учун мўлжалланган озиқ-овқат
маҳсулотларини сифатини янада
яхшилашга хизмат қилади.

— Айтиш керакки, ҳар бир
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат аввало
инсон омилига қаратилган бўли-
ши керак, — деди Олий Маж-
лис Қонунчилик палатасида-
ги ЎзХДП фракцияси аъзо-
си Кахрамон Мирзаев. — Маз-
кур қонун лойиҳаси орқали товар-
нинг сифати ва истеъмол хусу-

сияти тўғрисида истеъмолчилар-
ни қалғитиш билан боғлиқ ҳолат-
ларга жавобгарликни ошириш
масаласи назарда тутилган.
Яъни, товарларни унга ўхшаш
маҳсулотлар билан алмаштириб
қўйиш, онгли равишда маҳсулот-
нинг хусусияти ва сифати ўзга-
ришига йўл қўйилганда жавоб-
гарликни кучайтириш масаласи
илгари сурилмоқда. Фракциямиз
фикрича, бу каби ҳолатларга чек
қўйиш муҳим саналади. Шунинг-
дек, озиқ-овқат маҳсулотини иш-
лаб чиқариш, юртимизга олиб
кириш ва реализация қилишда
содир этилган ҳуқуқбузарликлар
юзасидан ҳам чоралар кучайти-
рилиши керак. Бу ўз навбатида
тадбиркорларнинг масъулиятини
оширишга, бозорларимизни си-
фатли озиқ-овқат билан таъмин-
лашга хизмат қилади.

► Давоми 2-бетда.

2018-2019 ЙИЛЛАРДА

ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида

6 минг 317 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Бунинг натижасида жами 219 мингдан ортиқ иш ўрни
яратиш режалаштирилган.



► Давоми 2-бетда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ

Минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бошчилигидаги Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг ва бошқа шу каби муҳим минтақавий ташаббусларнинг аҳамиятини таъкидлаган, 2017 йил 14-15 ноябрь кунлари Ашхободда бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бўйича еттинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг якуний ҳужжатларини маълум қилган ҳамда Марказий Осие давлатларининг хатти-ҳаракати ва уларнинг Афғонистонни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини рағбатлантирган.

Кенгаш таркибидagi биринчи Марказий Осие давлати сифатида Қозғистон раислиги даврида 2018 йилнинг 19 январидa бўлиб ўтган вазирлар даражасидаги Хавфсизлик Кенгашининг «Хавфсизлик ва ривожланиш масалаларини бирлаштирувчи йўналишдаги ишларнинг модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиеда минтақавий шериклиқни шакллантириш» мавзусидаги музокаралари якунларини таъкидлаган.

Марказий Осие давлатларининг террорчилик учун озуқа муҳитини яратадиган барча ҳолатларда таъжовубкор экстремизмга қарши самарали курашининг муҳим шарти сифатида маърифатга фаол қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини тан олган.

2018 йил 3-4 май кунлари Душанбеда бўлиб ўтган «Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция якунларини эътиборга олган.

Маданиятларо мулоқотни ривожлантиришга қўмаклашувчи Жаҳон кўчманчилар ўйинларининг мунтазам

ўтказилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда.

1. Марказий Осие давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашга қўшган ҳиссаси ва шу йўлдаги хатти-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлайди;

2. Бугунги кунда Марказий Осиеда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган минтақавий хатти-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини маълум қилади;

3. Минтақада барқарорлик ва изчил ривожланиш йўлидаги таҳдидлар Марказий Осие давлатлари, шунингдек, улар билан халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги янада яқин ва мувофиқлаштирилган ҳамкорлиқни тақозо этади ва айна пайтда ушбу хавфларни минтақавий ва халқаро ташкилотлар иштирокида бартараф этишда минтақавий ҳамкорлиқнинг муҳимлигини таъкидлайди;

4. Минтақа давлатларини минтақада ва унинг ҳудудидан ташқарида тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлиқни рағбатлантириш мақсадида давлат раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувлари платформасидан ва бошқа анжуманлардан самарали фойдаланишга даъват қилади;

5. Марказий Осие мамлакатларининг «Марказий Осие: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний коммюникесидa баён қилинган ташаббусларини амалга ошириш йўлидаги фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди;

6. 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг биринчи саммитини қўллаб-қувватлайди;

БМТ Марказий Осие давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашга қўшган ҳиссаси ва шу йўлдаги хатти-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлайди.

7. Туркменистон томонидан 2018 йилда Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси иштирокида давлатлари саммити ўтказилишини маълум қилади;

8. Марказий Осие давлатлари томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш мақсадида амалга оширилган хатти-ҳаракатларни ва ушбу давлатларнинг минтақавий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлайди ҳамда Қобул жараёнининг Афғонистон бўйича тинчлик ташаббусини амалга оширишнинг асосий форуми ва воситаси сифатидаги муҳим аҳамиятини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон раҳбарлиги остида тинчлик ва келишувга эришиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича жорий хатти-ҳаракатлари доирасида тинчлик, барқарорлик ва халқаро конференциялар, жумладан, Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференциясининг аҳамиятини таъкидлайди;

9. Минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиедаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг аҳамиятини қайд этади ва ушбу мақсадда қисқа вақтда ўзаро фойдали ва узоқ муддатли барқарор механизмлари ишлаб чиқиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилишига даъват қилади;

10. Аъзо давлатларни Марказий Осие мамлакатларининг Орол денгизи қуришнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват қилади;

11. Марказий Осие давлатлари ўртасида маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларини чуқурлаштириш асосида ва фавуқлодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш мақсадида яқин қўшничилик ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамлашини қўллаб-қувватлайди;

12. Марказий Осиенинг беоён ҳудудда замонавий транспорт тизимини яратишнинг муҳимлиги ва барқарор ривожланиш ҳамда одамлар, товар ва хизматлар эркин ҳаракатлашининг энг зарур шартларидан бири сифатида минтақанинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш аҳамиятини қайд этади;

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги иктисослашган муассасалар, фондлар ва дастурларни минтақа давлатлари томонидан белгиладиган Марказий Осиедаги минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз дастур ва тадбирларини мувофиқлаштиришга даъват қилади;

14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиеда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказига тегишли минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда превентив дипломатияни рағбатлантириш бўйича ўз мандати доирасида минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини давом эттиришни тавсия қилади;

15. Марказий Осие давлатлари ҳамкорлари ва умуман халқаро ҳамжамиятнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги хатти-ҳаракатларини маълум қилади.

МУНОСАБАТ

Илм юксалган юрда фан ютуқлари барча соҳаларга кириб боради. Илмий изланишлар, тадқиқотлар, кашфиётлар мамлакатни, миллатни дунёга танитоди. Ислохотлар жадаллашади. Бу тамоийилларга таянган миллат жаҳон саҳнасида ўзининг мустаҳкам ўрнига, сўзига эга бўлади. Илмнинг ошиши, илмнинг кириб бориши, илм мўъжизаси халқни буюк мақсадлар сари бошлайди.

ИЛМ МЎЪЖИЗАСИ

халқни буюк мақсадлар сари бошлайди



Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор.

Ҳеч муболагасиз айтиш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш тўғрисидаги қарори олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.

Қарор матбуотда эълон қилинганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида олий ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, академиклар томонидан қўллаб-муносабатлар билдирилмоқда.

Президентимизнинг ушбу қарори ҳақида «Ўзбекистон овози» газетасида Самарқанд давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Холмуродов, академик Қаландар Абдурахмонов, профессор Дамин Тўраевларнинг мулоҳазаларини ўқиб, олий таълим соҳасининг таниқли мутахассислари фикрларидан таъсирланиб қўлима қалам олдим.

«Аёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун содир бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ислохотлар инсоният олдида бир қатор долзарб вазифалар қўймоқда. Муаммоларни бартараф этиш, давр билан бирга қадам ташлаш учун аввало, жамиятда фикрлар хилма-хиллигига эришиш зарур. Дунёга тийран нигоҳ ташлаш, фан ва технологиялар соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлардан доимий хабардор бўлиш, бир сўз билан айтганда, жаҳон фани эришаётган ютуқлардан орқада қолмасдан, аксинча, уларга интеграциялашиш керак, деб ўйлайман.

Билим қудрати бугун бутун дунёни бошқармоқда. Ривожланган мамлакатлар таърибасидан маълумки, қаерда илм-фан ривожланса, ўша давлат тараққий этади. Халқ фаровон яшайди. Шаҳару кишлоқлар обод бўлади. Билим кучи чексиздир.

Мамлакатимиздаги ислохотлар тақдирини кимга боғлиқ? Саводли, савияли кадрларга боғлиқ. Бундай мутахассислар қаерда тайёрланади? Олий ўқув юртларида. Бугун олий ўқув юртларимиз ушбу талабаларга жавоб берадиган қадрлар етиштиришга қодирми? Бу йўлда қандай муаммолар бор? Минг афсуски, бу борада хали кўп иш қилишимиз кераклигини Президентимиз қарори бизга яна бир бор ағналти. Қарорда муаммолар рўй-рост айтилган, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланган. Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар масъулиятини янада ошириш, бефарқлик, кўникиш иллатларидан қутулиш кераклиги уқтирилган.

Қарорда профессор-ўқитувчилар қўлиятини, билими ва педагогик фанимизни баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги таълим сифатида салбий таъсир кўрсатаётгани алоҳида таъкидланган. Ушбу тизимнинг йўлга қўйилмаганлиги сабабли бугун олий таълимда фаолият юритаётган педагоглар иш натижасини таҳлил қилиш имконияти йўқ. Мазкур ҳолат биринчи навбатда кадрлар тайёрлаш сифатида пугур етказоди. Бунинг оқибатида йиллар давомида яхши ишлаган, кўрсаткичи юқори ёки аксинча номига ишлаган, бирон ютуққа эришмаган профессор-ўқитувчиларга бир хил қараб келинган. Рағбат ва жазо чораларининг етарли даражада қўлланилмаслиги тўғрисидаги ишлагаётганларнинг ишга бўлган муносабати салбий томонга ўзгаради.

Қарорда айтилганидек, ўқитишни ташкил қилиш, талабалар

билимини баҳолаш борасида ҳам бугунги мавжуд ҳолат мутлақо талабга жавоб бермайди. Шунингдек, олий ўқув юртларига киришдаги тест саволлари абиюриентнинг фикрлаш қобилиятини аниқлаш имкониятини бермаслиги, иктидорли ёшларни олий ўқув юртларига қабул қилишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани айна ҳақиқат. Мазкур ҳолат йиллар давомида ота-оналар ва жамоатчиликда ҳақли эътироз уйғотиб келаётган эди.

Дунёда қотиб қолган, ислохот этилмайдиган жараённинг ўзи йўқ. Барчасини тузатиш, тўғрилаш мумкин, албатта. Тест саволлари на ота-онада, на абиюриентда, на унга мактабда дарс берган ўқитувчида норозилик тўғдирмаслиги керак.

Қарорда ўқув жараёни устидан жамоатчилик назоратининг йўқлиги ҳам кескин танқид қилинган. Бунинг натижасида муаммолар пайдо бўлмоқда. Тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бу олий ўқув юртлари нуфузи тушишига олиб келади.

Президентимиз қарориди олий таълим муассасаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги иштироки, ташаббускорлиги сезилмаётгани кўрсатиб ўтилган. Бу аниқ ҳақиқатни тан олишдан бошқа иложимиз йўқ. Чунки биз олимлар барча соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдиришимиз, илмимиз билан ёрдам беришимиз, турли лойиҳа ва тақлифларни ўртага ташлашимиз керак. Чунки бирор-бир соҳа илм-фансиз тараққий этмайди, ривожланимайди.

Бугун биз XXI асрда яшаймиз. Асримиз ахборот асри, технологиялар асри, деб номланган. Дунёнинг ривожланган давлатлари университетларининг расмий веб-сайтлари талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик билан томаънода фикр алмашиш ва ўзаро мулоқот майдонида айланган. Афсуски, юртимиздаги олий таълим муассасаларининг бу борадаги интилишларини етарли, деб бўлмайди. Бундай вазиятда олимларимиз ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва бошқа турли ахборот тарқатувчи манбаларда фаол бўлишлари, фан-техника ютуқларини мунтазам тарғиб этиб боришлари лозим. Мазкур муаммо ҳам Президент қарориди келтирилган. Уни бартараф этиш барчамизнинг вазифамиздир.

Олий таълим муассасалари инновация ва технологиялар фойдалану ва мулоқотлар марказига айланиши, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таҳлил ва тақлифнинг йўқлиги, ёш олим ва талабаларда ташаббус етишмаслиги ҳам қарорда кўрсатиб ўтилган.

Қадим-қадимдан шарқда илмий мулоқотлар, баҳслар, учрашувлар, суҳбатлар мадрасаларда бўлиб ўтган. Бу борада ўша замоннинг забардаст олимлари барчага ўрناк бўлган, йўл кўрсатган. Муаммолар ечимини топган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз илм аҳлини қадрлашган, эъзозлашган, давраларининг тўрға ўтказишган. Бу шунини кўрсатадики, фан ишлаб чиқаришсиз, ишлаб чиқариш фансиз тараққий этмайди. Бу икки муҳим масала бирлашгандагина юксалади. Инсониятга фойда келтиради.

Бир донишманд айтган экан: «Ёшларга билим беринг, Ватанини севишни ўргатинг». Бугунги кунда олимларимиз ушбу муҳим ҳақиқатни англаб етса, ёшларимизни ушбу юғро атрофда бирлаштири олсак, қудратимиз ошади, мамлакатимиз юксалади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

сифати бўйича жавобгарлик кучайтирилмоқда



Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агротехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлишини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Бош прокуратура ҳузурида инспекция ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланди.

Президент қарорига мувофиқ жорий йил 1 августдан Агротехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлишини устидан назорат қилиш инспекцияси ўз фаолиятини бошлайди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон, «Ўзсувназорат» республика сув инспекциялари, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш, Чорвачилиқда наслчилик ишлари бош давлат инспекциялари, «Ўздавуруғназоратмарказ» кишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг «Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификациялаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси тугатилиб, ушбу ташкилотларнинг қонун ҳўжатларида белгиланган вазифа ва валоқатлари Инспекцияга ўтказилмоқда.

Бу янгиликларга амалдаги айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Йиғилишда мазкур масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Фракция аъзолари лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳанинг рус ва ўзбек тилидаги матнлари ўзаро мутаносиблигига эътибор қаратиш, камчиликларни тўлдирish ҳамда янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар берилди.

Йиғилишда қўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари бўйича фракция ўз позициясини белгилаб олди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланishi 1-бетда.

БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осие минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти

Резолюцияда Марказий Осиеда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан умумий ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади.

Марказий Осие давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўмаклашишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамла-

катда тинчлик ва муроСага эришиш мақсадида жорий йил март ойида «Тинчлик» жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти қайд этилади.

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимидаги иктисослашган муассасалар, жамғарма ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан кўзда тутилаётган Марказий Осиеда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқулланиши ва қабул қилиниши ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юритаётган очиқ, оқилона ва конструктив ташқи сиёсати тўғрисида Марказий Осиеда шакллانган

мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироз этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва аъналарини боғлаб турган Марказий Осиеда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши соҳибланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиеда ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир яхлит жигислашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шўбҳасиз.

Тошкент, 2018 йил 23 июнь

Ўзбекистон Президенти ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди

Маълумки, 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қатор долзарб масалалар, шу жумладан, ташкилот доирасида Бош Ассамблеянинг Марказий Осие бўйича махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган.

Мазкур тақлиф ижроси асносида ўтган йилнинг ноябрида Самарқанд шаҳрида «Марказий Осие: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Тадбир якуни бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббуси хорижий давлатлар юқори мартабали делегациялари, шу жумладан, Марказий Осие ва Афғонистон, МДХ, Европа, Осие мамлакатлари ва АКШ ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарлари, шунингдек, БМТ, ЕИ, ЕХТ, ШХТ, ЕТБ каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Шундай қилиб, БМТ доирасида махсус резолюция лойиҳаси кўп ойлар давомида муҳокама этилганидан сўнг, 2018 йилнинг 22 июни кунини Ўзбекистон Президентининг мазкур ташаббуси ҳаётга тадбиқ этилди. Хусусан, Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблея ялпи мажлиси чоғида «Марказий Осие ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланиш таъминлаш бўйича халқаро ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинди.

Қувонарлиси шундаки, резолюция нафақат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоз билан қўллаб-қувватланди, балки Европа, Шимолий

Америка, Осие, Африка ва бошқа қитъалардан қарийб 55 мамлакат билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироз этилиши эса Юртбошимиз ташаббусининг долзарблигини далолат беради. Бизга қўшни давлатлар билан бир қаторда Германия, Италия, Канада, Норвегия, Швейцария, Австралия, Жанубий Корея, Туркия, Сингапур, Қатар, БАА ва Ҳиндистон шулар жумласидандир.

Резолюцияга Ўзбекистоннинг долзарб ташаббуслари киритилган. Хусусан, унда Самарқанддаги конференция чоғида қабул қилинган муҳим ечимлар ва уларнинг асосий натижалари тилга олинган ҳамда минтақа мамлакатларининг икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тарафдорлиги экани тасдиқланган. Хужжатда, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Марказий Осие давлатлари раҳбарлари доимий маслаҳатлашуви йиғилишларини ўтказиш бўйича ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши қайд этилган.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида Марказий Осие мамлакатларининг Афғонистонда тинчлик жараёнини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда унинг минтақавий сиёсий ва иқтисодий масалалардаги иштирокини таъминлаш бўйича саъй-ҳара-

катларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада «Тинчлик жараёни: хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси (2018 йил март) афғонистонликлар бошқаруви остида амалга оширилаётган тинчлик ва сулҳ жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ҳамжамият ҳаракатларининг давоми сифатида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доворак ва фаол сиёсати шарофати билан минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда фундаментал силжиш юз берди. Бу эса Марказий Осиеда мустаҳкам сиёсий ишонч ва ўзаро ҳамкорлиқни акс эттирувчи мутлақо янги сиёсий муҳит пайдо бўлишига олиб келди.

Умуман олганда, БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясининг бир овоз билан қабул қилиниши Марказий Осиеда тинчлик ва барқарор ривожланиш таъминлаш мақсадидаги Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги имкониятларидан самарали фойдаланиш учун яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли шериклик тамоийиллари асосида мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлик бўйича олиб бораётган ҳозирги фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишидан далолат беради.

«Дунё» АА
Нью-Йорк.

Эҳтиёжманд кишилар бандлигини таъминлаш — долзарб масала



Дилмурод СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон кўзи оқизлар
жамияти бош мутахассиси:

— Қарорнинг 1-бандига мувофиқ жорий йилнинг 1 августидан бошлаб алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар ва преференциялар қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, тижорат банклари томонидан имтиёзли давр назарда тутилган ҳолда кредитлар ажратилиши белгиланган. Кўзи оқизлар жамиятига қарашли корхоналарнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бино-иншоотлар ажратилган бўлди. Айланма маблағларни тўлдириш ҳамда асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари харид қилиш учун қўшимча молиявий имкониятлар яратилади. Бунинг натижасида бугунги кунда зарур ишлаб чиқариш майдонлари ва етарли даражада ўз маблағларига эга бўлган тизимдаги айрим корхоналарда иқтисодий фаолият жонланади. Уларда ишловчи кўзи оқиз инсонлар ва бошқа тоифа ходимлар учун доимий меҳнат қилиш, барқарор иш ҳақи олиш шароитлари вужудга келади.

Қарорда иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик субъектларини аниқлашнинг тартиби ва мезонларини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти эркинлиги кафолатлари назарда тутилган ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш кераклиги белгилаб қўйилган. Албатта, ушбу масалада 86 йил вақт мобайнида оғир синовларга дош бериб фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

кўзи оқизлар жамиятида ибратли тажриба мавжуд.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ва Низомларида мувофиқ равишда кўзи оқизлар жамиятига қарашли корхоналарни ижтимоий корхоналар сифатида таснифлаш мумкин. Бундай корхоналар нафақат Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти тизимида, балки Ўзбекистон қарлар ва ногиронлар жамиятлари таркибларида ҳам мавжуд.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш лозим, аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахслар давлат томонидан асосан зарур миқдорда пенсия билан таъминланади. Ижтимоий инфратузилмалардан фойдаланиш имкониятлари яратилиши билан чекланилади. Уларда ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус корхоналар ташкил этиш ва уларни меҳнатга жалб қилиш масалалари ижтимоий, долзарб аҳамият касб этмайди. Бизнинг мамлакатимизда эса узок йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларни ўз хоҳиш-истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўқитиш, касб хунарга ўргатиш тизими йўлга қўйилган. Шу орқали ногиронлиги бўлган бундай фуқароларни реабилитация қилиш ва жамиятга интеграциялаш вазифалари амалга оширилмоқда. Бу борадаги миллий тажриба хорижда ҳам ибрат бўлиши мумкин.

Қарорга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмаларининг корхоналари тасаруфидида ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланилиши комплекс ўрганилиши ҳам айтиш мумкин. Аммо мутасадди вазирлик ва идоралар бу масалага ҳолисона ва эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим, деб ўйлайман.

Умуман, мазкур қарор аҳолининг эҳтиёжманд қатлами бандлигини таъминлаш бўйича ташланган муҳим қадам эканлигини таъкидлаш лозим. Такрор айтаман, қарор ҳаётга тўғри татбиқ қилинсагина, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш масаласини самарали ҳал этиш мумкин. Бу борада барчамиздан зийраклик ва дахлдорлик талаб этилишини унутмаслигимиз керак.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2018»



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёш сиёсатчи — 2018» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда 12 нафар интилувчан ёш уч шарт асосида беллашди.

— Юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук, салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобоҳонов. — Бу жараёнда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига ҳам улкан масъулият юкланди. Партия-мизнинг ёш аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий билимини оширишда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчи шартда иштирокчилар беш дақиқа давомида ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

— Республикаимизда эҳтиёжманд оила, вакилларига, ногиронлиги бўлган шахсларга қўмақлашадиган хайрия жамғармалари фаолият юритади, — деди танлов иш-

тирокчиси Музаффар Ҳабибуллаев. — Аммо улар тасарруфидидаги маблағ барча ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етмайди. Демак, иложи борица уларнинг бандлигини таъминлаш лозим. Уларни касб-хунарга тайёрлаш ҳам муҳим вазифа саналади. Лойиҳада махсус ўқув курслари очилиши режалаштирилган. Курсларда замонавий касбларга ўқитишни мўлжаллаганман.

Қолган икки шарт ҳам қизгин баҳсларга бой тарзда ўтди.

Яқинги натижаларга кўра, Шайхонтоҳур туманидан Абдурахим Пардаев унчини, Яқасарой туманидан Музаффар Ҳабибуллаев иккинчи ўринни кўлга киритди. Юнусобод туманидан Шахноза Тошқулова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг Республика босқичида иштирок этадиган бўлди.

Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ



ШХТнинг тарихий саммити: тарғибот ишлари кучайтирилмоқда

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Циндао шаҳрида ўтказилган саммитида бир қанча тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Шулардан бири ШХТ давлатлари раҳбарларининг Ёшларга мурожаатидир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент давлат шарқшунослик институтида ушбу саммитнинг аҳамияти ҳақида ёшлар иштирокида

давра суҳбати ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, профессор-ўқитувчи ва талабалар қатнашди. Мавзу юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.



Улуғбек ИДИРОВ,
Тошкент давлат
шарқшунослик институти
профессори, сиёсий фанлар
доктори:

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Циндао шаҳридаги 18-саммити саккизлик форматида бўлди. Унда Хиндистон ва Покистон мамлакатлари расман аъзо сифатида илк бор қатнашди. Эндиликда ташкилотга аъзо мамлакатлар аҳолисининг сони 3 миллиард 100 миллионга етди. Ер майдони эса 34 миллиард квадрат километрни ташкил этди. Бу Евроосиё ер майдонининг 60 фоизига тенгдир.

Дунёда янгича жаҳон тартиботини шакллантириш қийин кечаётган бир пайтда яшамоқдамиз. Гарбдаги турли қучлар эса бундан фойдаланиб, дунёдаги мувозанатни ўз фойдасига ҳал қилишга уринаётгани ҳам бор ҳақиқат. Мевёрни таминаладда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг салоҳияти ошиб бораётгани қувонарли, албатта.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихига бир назар ташласак. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабат истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ ўрнатилган бўлган. 1992 йил 15 октябрда юртимизда Хитойнинг илк элчихонаси, 1995 йилнинг май ойида эса Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди. 2012 йил июнь ойида Пекинда икки мамлакат раҳбарлари томонидан ўзаро стратегик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация имзоланган. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин ўзининг «Давлат бошқаруви» китобига Ўзбекистон Хитойнинг ишончли шеригига айланаётгани, икки томонлама ҳамкорлик узок муддатли ўзаро манфаатлар асосида шаклланаётганини баён этган. 2017 йил май ойида бўлган «Бир макон, бир йўл» форуми доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Пекинга таширф буюрди. Таширф доирасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кўриб чиқилди. Хали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Ўздан ортқ шартнома имзоланди. Уларнинг умумий ҳажми 23 миллиард долларни ташкил этади.

Ҳақиқатан ҳам, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро тенглик, шаффофлик асосида ривожланиб келяпти. Қувонарлиси, бу ҳамкорлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, фан-таълим, техника ва технология соҳаларида ҳам юксалиб бормоқда. Университетимиз қошида Хитой муносабатлари факультетининг фаолият юритаётгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир.



Исматилла БЕКМУРАТОВ,
ТДШИ Жаҳон сиёсати,
тарих ва фалсафа
факультети декани,
сиёсий фанлар номзоди:

— Ўзбекистонда уч бора ШХТ саммити ўтказилгани барчамиз учун фахрлинишга арзигулик воқеа, деб ўйлайман. Учала саммитда ҳам таржимон сифатида қатнашганман. У ердаги музокара жараёнларига бевосита гувоҳ бўлганман. Қарорлар қабул қилинганда, биринчилардан бўлиб эшитишга муваффақ бўлганман.

Халқаро миқёсда бирор қарор қабул қилиш жуда оғир жараён. Давлат раҳбарлари қарорга қўл қўйишларидан олдин эксперт гуруҳлари ишлаши, фикр-мулоҳазаларни мувофиқлаштириб туриш, вазирлар ўртасидаги баҳслар жуда узок ва

масъулиятли босқич ҳисобланади. Циндао шаҳридаги саммит доирасида Президентимиз ташаббуси асосида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши ҳам ўз-ўзидан бўлмади. Ёшларга бўлган эътибор бугунги кунда қанчалик муҳим эканлигини барчамиз яхши англаймиз. Бугун ер юзидан 7 миллиарддан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2 миллиарддан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ҳам ёшлардан иборат. Йигит-қизларнинг нима билан машғуллиги, уларнинг бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшлар сиёсатида барчамизнинг хабаримиз бор. Аммо шу вақтга қадар бу механизмнинг баъзи қисмлари яхши ишлаганини ҳам рад этолмаймиз. Натижада ёшлар масаласида бироз оқшар ҳолатлари сезилди. Кўп бора хорижий мамлакатларда бўлганимизда, у ерда ўқийётган ёшларнинг орасида ўзбекистонликлар камчилиги ташкил этишига гувоҳ бўлганман.

Яқинда институтимизда катта анжуман ўтказилди. Унга чет элдан сиёсатчи олимларлар ҳам келишди. Анжуман якунида: «Эркин фикрлайдиган ёшларингиз кўп экан. Уларни тўғри йўналтиришингиз лозим. Шунда келажакнинг янада буюк бўлади», деган фикрлар билдирилди.

«Эркин фикрлайдиган ёшларингиз кўп экан. Уларни тўғри йўналтиришингиз лозим. Шунда келажакнинг янада буюк бўлади»

Саммит доирасида манфаатлар гуруҳи юзага келишига йўл қўймайлик лозимлиги айтилди. Бунинг учун консенсус асосида муносабатларни йўлга қўйиш керак бўлади. Саммитга аъзо давлатлар орасида баъзи бир масалаларга ёндашувлар турлича бўлиши мумкин. Президентимиз мана шу масалада Хартияда белгиланган консенсусга эътибор қаратишимиз керак, деган фикрни ўртага ташладилар. Тенг ҳуқуқли ҳамкорликда бу долзарб аҳамиятга эга масаладир.

Давра суҳбати якунида ёшларнинг дунёқаролини ўстиришга ёрдам берадиган тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди.

Махлиё АЛИКУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУНОСАБАТ

ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ ДАСТУР

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:



— Мамлакатимизнинг географик жойлашуви, тоза иқлими, чарақлаб турадиган қўёш она табиатининг бизга берган чексиз ва бебаҳо инъомидир. Бизнинг заминга умид билан экилган ҳар бир уруғ яхши парвариш қилинса, мўл ҳосил бериши тажрибадан яхши маълум. Бежизга ота-боболаримиз «Бизнинг туپроқдан олтин унади», дея таъриф беришмаган.

Юртимизда ер билан тиллашадиган миришкор деҳқонлар, саховатпеша боғбонлару қўли гўл уста-хунармандлар жуда кўп. Аммо шунинг ҳам таассуф билан айтиш лозимки, юртдошларимиз орасида ўзига берилган томорқа майдонларига бир туپ гиёҳ экмасдан, қаровсиз қолдирадиган, дангаса кишилар ҳам учраб туради.

Бироқ энди боқибегамлик билан яшаб бўлмайди. Бугун замоннинг ўзи ҳар бир инсондан меҳнаткашликни, изланишни талаб қилмоқда. Ким меҳнат қилса, изланса имкон топапти. Эзгу ниятли ҳар қандай одам ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Куни кеча эълон қилинган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Президент қарори ана шундай имкониятлар қўламини янада кенгайтириб, юртдошларимизни изланишга чорлади. Қарорга кўра, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Дастурда тадбиркорлик билан шугулланиш истиғида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатиш бора-бора аниқ вазифалар белгиланган. Даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шугулланмаган аҳолига тадбиркорлик қўнимчаларини ўргатиш ва ўз иштини йўлга қўйишга амалий ёрдам бериш назарда тутилган.

Шунингдек, касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микробизнеспаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имконияти яратилади. Тажрибали ишбилармонлар янги бизнес фаолияти билан шугулланишни бошлаган оилаларга бириктириладиган, яъни маҳаллаларда мини-кластерлар ташкил этиладиган бўлади.

Эндиликда ҳудудий ишчи гуруҳлари ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олади. Тадбиркорлик билан шугулланиш салоҳияти, истак ва тақрифларни синчковлик билан ўрганади. Ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва қўнимчаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароит мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истиғида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ҳам янада жадаллашади.

Яратган бизга шундай жаннатонад заминни, қўёшли омону, бебаҳо иқлимни инъом этган. Давлатимиз ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, имконият ва имтиёзлар яратиб бермоқда. Энди дангасалик қилиб ўтириш ярамайди. Юракдан ҳалол меҳнат қилинса, роҳатини қўрадиган давр келди.

Мен депутатликка сайланган Олтириқ тумани аҳли боғбонлик ва деҳқончилик илмида етти иқлимга донг таратгани барчага яхши маълум. Президентимизнинг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ҳақидаги қарори олтириқлик миришкорларни ҳам қувонтириб юборди. Энди улар белни маҳкам боғлаб, янги марралар сари изланишга чоғланмоқда. Зеро, тадбиркор оиланинг дастурхони ҳамиша тўкин, ҳаёти фаровон бўлади.

ФИКРАТ ДАРФАЛАРИ

Дилбар МАХМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

1985 йил. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг қирқ йиллигини нишонлаш арафасида эдик. Республикада бунга қизгин тайёргарлик борарди.

— Озгингизга талқон солиб олгандек ҳаммангиз негандир жимсиз... Нахотки, олдинда кутлуг ғалаба санаси эшик қоқиб турганидан беҳабар бўлсангиз?! Шу буюк санани нишонлаш, газета саҳифаларида ёритиш масаласида бирорта бўлим на режа тузди ва на бирор тақлиф билан олдимиз кирди. Нима қилайсиз ўзи, журналист-лигингиз, ҳозиржавоблигингиз қарда қолди, — деди муҳарриримиз «летучка»га йиғилган ижодий жамоага. — Уруш йиллари Тошкент — нон шаҳри, деган қандайдир маънода бўлган эсингиздан чиқмади?! Уруш олови ичра ёнаётган шаҳару қишлоқлардан эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишини Ўзбекистон ўз бағрига олди. Улар орасида ота-онасиз етимларнинг ўзи икки юз мингдан ошди эди. Бизнинг бегубор, феъли кенг, меҳнаткаш халқимиз бу болакайлари емай едирган, ичмай ичирган... Уруш йилларининг бутун бир авлодини келажак учун асраб қолган, биз ким ҳазрати ўзбекларимиз, ахир! — раҳбаримиз сўзини шу ерда тўхтатиб, ҳонани тарк этди...

Бу таниб-бўлган бўлимларга дахлдор эди. Эртагаёқ бўлим папкалари уруш, ғалаба мавзусидаги материалларга бўлиб-тошиб кетарди. Чунки редакцияда ижодий қўллар етарли. Лекин гафлат босдим, лоқайдликми, ташаббус биз ижодий ходимлардан эмас, муҳаррирдан чиқарилган. Ходимларимизнинг қўли-қўлига тегмасди. Раҳбаримизнинг етим болалар, уларни бағрига олган ўзбек оналари, ўзбек оталари, деган сўзлари менинг ҳам хаёлимдан кетмасди.

Мен ҳам урушни кўрганман, десам бўлади. Уруш орқасидаги хаёт урушдан кам бўлмаган. Бомбалар портлагани, танклар бостириб келмагани билан очарчилик, ҳаётчилик урушдаги аҳволдан қолишмасди. Уруш орқасидагилар ҳам ўзларини, ҳам жангчиларни боқиб, қурол-яроғ билан уларни таъминлаб туриши керак эди.

Ота-онам болалар уйлари, етимхоналарда ишлашган. Ота-онасидан жудо бўлган, кўзидан ёш, соғинч аримаган қрим-татар, украин, рус, белорусь дугоналаримни ўз кўзим билан кўрганман, биргалашиб йиғлаганман...

Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади. 1958 йил, 10 сентябрь Тилаб Маҳмуд билан никоҳ тўйимизга Шоаҳмад ота билан Баҳри ая меҳмон бўлиб келишганди. Бу пайтда Шоаҳмадовлар хонадони овозаси етти иклимга таралган, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асари дунё халқларининг ўн етти тилига таржима қилинган, Ўзбекистон халқ артисти Шўхрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан» бадиий фильми дунё экранларини забт этган дамлар эди.

Тўйимизга бош-қош бўлиб, ўз хонадонига мени келин қилиб туширган Тилаб Маҳмуднинг тўртинчи акалари, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Абдулҳак Абдуллаев ҳам «Шоаҳмадовлар оиласи» деб аталган катта картина ишлаган, Шоаҳмад ота билан яқин бўлиб кетгани учун укасининг тўйига бу оилани ҳам тақлиф этган эди. Шоаҳмад ота билан Баҳри ая бизга бахт тилашди, узоқ дуо қилишди. Ва қизил рангли костюмга совға қилиб кетишди. Бу совгадан рўзгоримизда узоқ вақт фойдаландик...

Инсончиликда, одам ўзини, ота-онасидан тортиб, бошқа дуокашларини ҳам эслаб туриши табиий ҳол экан. Бугун уларни эслашнинг, эслаганда ҳам таъзим билан эслашнинг, улар ҳақида ёзишнинг айна хонаси келганди.

Бу оиланинг ёзилмаган, ўқилмаган



Бу сурат 1973 йил февраль ойида олинган. Тошкент тўқимачилик комбинатининг машхур тўқувчиси Лидия Казанцева тахририят меҳмони. (Ўнгдан иккинчи Мақсуд Қориев).

қираси қолибдими, дегувчилар ҳам бўлди. Хатто муҳарриримиз ҳам тақлиф билан кирганимизда уйланиб қолди. У ҳам ёзганлардан ўтказиб нима ҳам ёзардинг, деяётгандай туюлди.

...Уруш тугаганига қирқ йил бўлди. Шоаҳмад ота хонадонидан паноҳ топган ўн тўрт боланинг тақдирини мени қизиқтирарди. Улар бугун кимлар, қандай касб-кор, ишлар билан машғул, нон-туз ичган юртидан розими улар, деган саволларга жавоб олмакчиман, — дедим муҳаррирга.

— Бу йўналишда бўлса яхши... Боринг, ўрганинг, ёзинг, — деди раҳбаримиз.

Бу пайтда Шоаҳмад ота Шоаҳмадов оламдан ўтган эди. Қаршимда она Ватанимиз бошига оғир, мусибатли кунлар тушганда оғиздаги ош-нонини, уй-жойи, хузу-ҳаловатини етим-есирлар билан бўлишган оддий ўзбек аёли ўтирарди. Бу хонадон Тошкентга эвакуация қилинган етимларни буюк шоиримиз Фафур Ғулум айтганидек:

Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат,

Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам, — дея иссиқ бағрига олган, бошини силаган, вояга етказган ўзбек хона-

донларидан бирининг табарруқ оstonаси эди.

Шу оддий ўзбек аёлида қанча жасорат, қанча фидойилик, қанчалаб меҳр-мурувват мужассам эканидан ҳайратланаман. Унинг етимлар бошини силаган, кир-чирини ювган, овқат пишириб, оғизга тутган олтин қўллари ни ўпгим келади. Унинг меҳр сугига лиммо-лим бағрини кучгим келади...

Онаизорнинг фарзандларидан кўнгли тўқ эканини сезаман. Эр-хотин уларга қанот беришибди, учирма қилишибди. Бош фарзандлари Рафиқ ўн тўрт бола орасидан биринчи бўлиб нафақага чиқибди. Муаззам билан Ҳамидулла бир-бирларини севиб, оила қуришибди. Шўриқ отасини, Рая билан Адик оналарини топишибди. Ольга фабрикада тикувчи экан. Эргаш билан хотини Зоя шаҳар маиший хизмат комбинатида ишлашар экан. Зина, Ҳабиба, Раиса, Володя... ҳаммаларининг касб-корлари бор, ўзларидан тинишган. Она учун бундан ортиқ яна нима керак! Баҳри аямиз улардан, улар оналаридан мингдан-минг рози. Фёдор Кульчиковскийга келсак, у республика кон-геология комплекси экспедициясида йигирма йилдан буюн техника назорати ва хавфсизлиги

инженери бўлиб ишларкан. Раҳбарият у ҳақда бири олиб, бири қўйиб мактаб кетишди. Техника хавфсизлигини сақлаш борасидаги намунали ишларидан ҳикоя қилиб беришди... У билан хайрлашаётганимизда бир армони борлиги, шу масалада ёрдам беришимни илтимос қилди. У қардан эвакуация қилиб олиб келинган, ёши нечада, миллиати ким, шу пайтгача бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини, лекин билишни жуда-жуда истайётганини айтди. Кўзига ёш олиб, илтижо қилди. Бу учрашув таассуротларини газетамизнинг 1985 йил 26 апрель сониди эълон қилинган «Уруш болалари» мақолада изҳор этдим. Фёдор Кульчиковский армонларини ҳам газетамизга етказдим.

Орадан ҳеч вақт ўтмай, Ғиждунов шаҳар изтопарлар клуби аъзолари ва уларнинг раҳбари Эркин Латипов номидан қуйидаги мазмунда хат келди: «Клубимизга Днепротровский область, Васильковский районидидаги район газетасининг штатсиз муҳбири К.Сальниченко мактуб йўллаб, «Писменное» қишлоғида яшовчи бир юз икки ёшли Дарья Алексеевна Кульчиковская Улуғ Ватан уруши йилларида невараси Фёдор Кульчиковскийни йўқотиб

қўйгани, уни топишда ёрдам беришимизни илтимос қилган. Фёдорни 1983 йилдан буюн қидирамиз. Балки, «Уруш болалари» очеркидаги Фёдор қариянинг неварасидир, бизга ёрдам беринг».

Кўзларимга ишонмайман. Нахотки, Фёдор ўша момонинг невараси, нахотки, у ўз жигарларини топди... Мактубни қайта-қайта ўқийман... Фёдорнинг кўз ёшлари, ўпкаси тўлиб қариндош-уруғларини қидиргани, архивларни титқилаб ташлагани, ахир халқаси пир бўлиб, бу ишни тақдир ҳукмига ташлаб қўйгани ҳақидаги мунгли ҳасратларини эслайман...

Беихтиёр Фёдорни излайман. На уйдан ва на ишхонасидан топаман... У сафарда экан, қайтибдию редакцияга чопибди. У ўша кунгидея Украинанинг энг узоқ гўшаларидан бири «Писменное» қишлоғига учиб кетди...

Иш телефонимнинг узоқ ва бошқароқ жиринглаб туришидан билдимки, бу — халқаро алоқа, бу — Фёдор...

— Опа, опа, бувижоним билан учрашдик, уёғини сўрасангиз холам ва жияларим ҳам бор экан... Худога шукр, Сизга, редакцияга раҳмат... Телефон узилиб қолади, яна уланади, яна шу гап... Икковимиз икки томонда суюнганимиздан кўз ёшларимизни тўқардик.

Фёдор Тошкентга қайтди. Афсуски, ота-онаси уруш йилларидаёқ ҳаётдан кўз юмишган, Фёдор бувииси қарамонда қолган экан... У қандай қилиб Тошкентга келиб қолган, Баҳри аяниқидан паноҳ топган, ҳақиқатан ҳам Дарья момонинг набирасими, бу ҳақдаги ҳикояларнинг ўзи туганмас бир эртас. У пайтларда ДНК таҳисиси отлиққа ҳам йўқ эди. Лекин ҳар қандай ташхислардан ҳам ишончлироқ, баландроқ ҳаёт ҳақиқатлари, ҳаёт белгилари мавжуд экан. Фёдор чиндан ҳам Кульчиковскаянинг набираси эди... Бувижон ва набира учрашуви ҳақидаги бу ғаройиб ва ибратли ҳикояларни эшитар эканман, мавзуга қайтмасам бўлмас, орзу-армонлари ушалган икки инсон севиңидан газетхонларни баҳраманд этмасам бўлмас, деган фикрга келдим. Шундай қилиб, «Дийдор» сарлавҳали мақолам газетамизнинг 1986 йил 25 февраль сониди эълон қилинди...

(Бошланиши 21-июнда.
Давоми кейинги сонда).

РЕКЛАМА ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва ноширларини касб байрами билан муборакбод этади!

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этамиз:

«MOBILE-UZ»

Мазкур омонат «ASAKA MOBILE» мобиль иловаси орқали расмийлаштирилади.

Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф бўйрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин. Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилди. Омонатнинг фоиз микдори — 14 фоиз (йиллик).

«Асака» банк миллий ва хорижий валюталарда 30дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0371) 120-82-37, 120-82-65.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

«Асака» банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
www.facebook.com/bankasaka/
t.me/bank_asaka

Хизматлар лицензияланган.

«КОГОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

акциядорлик
жамияти жамоаси

27 июнь — Матбуот Ва оммавий ахборот Воситалари ходимлари куни муносабати билан барча журналистларни табриклайди!

08.12.2004 йилда фуқаро Жураев Гафур Равшанович номига Тошкент шаҳар Юнусобод туман Кўчмас мулк кадастри томонидан Юнусобод тумани О.Соипов 1-Берк кўчасидаги 1-уй учун берилган 0807908-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Самарқанд вилоят кенгаши раиси Мажиҳон Усмоновга фарзанди

Фотима УСМОНОВАНING
бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 1 май санасида рўйхатдан ўтказилган «HUSHVAQT — НИМОҲА» (реестр рақами 585) адвокатлик фирмаси тугатилганлиги маълум қилинади. Давро ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел: (90) 912-49-10

«Тошкент шаҳар Ер тўзиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДК томонидан ООО «ARSENAL SERVICES» номига Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 28-уйда жойлашган «кафе биноси» учун берилган (кадастр рақами 10:07:01:02:02:0067), (реестр рақами №7-531/2004, 25.10.2004 йил) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihiddin Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsatli bilan amalga oshiriladi.

Г — 638, 11092 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21:47.
Topshirilgan vaqti — 23:25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5